

**ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА ЗАРДОБЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.09.2022.Far.134.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**МАМАТМУСАЕВА НИЛУФАР ЭРКИНОВНА**

**СИЛГА ҚАРШИ БИОМАЙРИН ПРЕПАРАТИ ҲАМДА ВИРУСГА ҚАРШИ  
ГОССИПОЛ АСОСИДАГИ ДОРИ ПРЕПАРАТЛАРИНИНГ КАПСУЛА  
ДОРИ ШАКЛИНИНГ ТАРКИБИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**15.00.01 – Дори технологияси**

фармацевтика фанлари доктори (DSc)диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ

**Тошкент-2024**

**Фан доктори диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Contents of dissertation abstract of the Doctor of the Science (DSc)**

**Маматмусаева Нилуфар Эркиновна**

Силга қарши биомайрин препарати ҳамда вирусга қарши госсипол асосидаги дори препаратларининг капсула дори шаклининг таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

**Маматмусаева Нилуфар Эркиновна**

Разработка состава и технологии капсульных лекарственных форм противотуберкулёзного препарата биомайрин и противовирусных препаратов на основе госсипола..... 27

**Mamatmusaeva Nilufar Erkinovna**

Development of the composition and technology of capsule dosage forms of the anti-tuberculosis drug biomairin and antiviral drugs based on gossypol..... 52

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА ЗАРДОБЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.09.2022.Far.134.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**МАМАТМУСАЕВА НИЛУФАР ЭРКИНОВНА**

**СИЛГА ҚАРШИ БИОМАЙРИН ПРЕПАРАТИ ҲАМДА ВИРУСГА ҚАРШИ  
ГОССИПОЛ АСОСИДАГИ ДОРИ ПРЕПАРАТЛАРИНИНГ КАПСУЛА  
ДОРИ ШАКЛИНИНГ ТАРКИБИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**15.00.01 – Дори технологияси**

фармацевтика фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ

**Тошкент-2024**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/Far.27 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.toshvziti.uz](http://www.toshvziti.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Сағдуллаев Баходир Тахирович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Олимов Немат Қаюмович**  
фармацевтика фанлари доктори, профессор

**Сотимов Ғайрат Бахтиярович**  
техника фанлари доктори

**Абдижалилова Зилолаҳон Хикматуллаевна**  
фармацевтика фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** **А.Султонов номидаги Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.04/30.09.2022. Far.134.01 рақамли Илмий кенгашининг 2024 йил « \_\_\_\_\_ » соат « \_\_\_\_\_ » даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ч.Айтматов кўчаси, 37 уй).

Диссертация билан Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ч.Айтматов кўчаси, 37 уй).

Диссертация автореферати 2024 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2024 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги рақамли реестр баённомаси)

**Х.М. Камилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси фарм.ф.д., проф.

**А.А. Ашуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фарм.ф.н.

**Х.Р. Тўхтаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фарм.ф.д., проф.

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг<sup>1</sup> маълумотларига кўра, дунёда инсон ўлимининг етакчи сабабларидан бири сил касаллиги (СК) тўққизинчи ўринни эгаллайди ва юқумли касалликлардан ОИВ/ОИТС дан ҳам ўлим ҳолати бўйича олдинги ўринда туради. Бундан ташқари шуни такидлаш керакки, грипп ва бошқа ўткир респиратор вирусли инфекциялар (ЎРВИ) билан зарарланиш ҳолати касалланишнинг юқори даражаси бўлиб, улар ижтимоий аҳамиятга кўра аҳоли саломатлигига катта зарар етказмоқда. Сўнгги йилларда ичак яллиғланиш касалликлари (ИЯК) борган сари ёшарганини кузатиш мумкин. Беморларнинг тахминан 30% да ушбу патологиянинг илк маротаба манифестацияси одатда 18 ёшгача содир бўлади. Шунинг учун мазкур касалликларни даволаш ва олдини олиш мақсадида дори воситаларнинг ассортиментини кенгайтириш, сифат меъёрларини белгилаш, уларнинг самарадорлигини исботловчи фармакотерапевтик тадқиқотларни ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда оригинал дори воситалари хусусан сил, грипп ва бошқа ўткир респиратор вирусли инфекциялар ҳамда ичак яллиғланишини даволашга мўлжалланган бир ёки кўп компонентли янги дори воситаларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, танлаб олинган биологик фаол субстанцияларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш, сил, грипп ва бошқа ўткир респиратор вирусли инфекциялар, ҳамда ичак яллиғланишини даволовчи дори воситаларининг биосамарадор дори турининг таркиби ва технологияларини, шунингдек, стандартлаш усулларини ишлаб чиқиш, яратилган дори воситаларининг турғунлигини таъминлаш ва тиббиёт амалиётига жорий этиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда фармацевтика соҳасида олиб борилаётган ислохотлар натижасида силга, вирусларга ва яллиғланишга қарши дори воситаларининг турли дори шакллари ишлаб чиқиш, муайян таркиби ва технологиясини яратиш, уларни стандартлаштириш, ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 22-мақсадида «Фармацевтика саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баравар кўпайтириш ва маҳаллий бозорни таъминлаш даражасини 80 фоизга етказиш»<sup>2</sup> каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, маҳаллий, юқори самарали биологик фаол субстанциялар асосида мўътадил таркиб ва технологияга эга силга, вирусларга ва яллиғланишга қарши дори воситаларининг капсула дори шакллари ишлаб чиқиш ва уларни маҳаллий фармацевтика корхоналар томонидан ишлаб чиқилишини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги

<sup>1</sup> 2020 йил Сил бўйича глобал ҳисобот [Global tuberculosis report 2020: executive summary]. Резюме.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

“Фармацевтика саноатини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ 5229-сон, 2022 йил 21 январдаги “2022–2026 йилларда республика фармацевтика саноатини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ 55-сон, 2022 йил 28 январдаги “Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида” ПФ 60-сон фармонлари, 2018 йил 14 февралдаги “Фармацевтика саноатини ривожлантиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ 3532-сон қарори ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

### **Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.**

Сил касаллигини даволашда қўлланиладиган дори воситалари яратиш борасида молекуляр муҳандислик орқали макромолекуляр терапевтик тизимлар ва дори воситаларини яратишга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, шу жумладан Laboratories of the Medical Researches Council of Ireland (Ирландия), University of Queensland Brisbane (Австралия) лабораторияларида, Цитология ва генетика институтида (Россия), шунингдек, “Ромат” фармацевтика компанияси (Қозоғистон), Шакарим номидаги давлат университети (Қозоғистон), М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетида (Россия) олиб борилмоқда.

Силга, вирусларга ва яллиғланишга қарши янги дори воситаларини яратишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: таркибида изониазид сақлаган оксипропилсахаридларнинг ҳосилалари олинган ва уларнинг силга қарши узоқ муддатли таъсирлари аниқланган (Laboratories of the Medical Researches Council of Ireland, Ирландия), изониазид ва парааминосалицил кислотасининг альгинат ва хитозан билан иммобилизацияси натижасида захарлилигининг пасайиши ва аъзода препаратларининг таъсири ортиши аниқланган (University of Queensland Brisbane, Австралия), МестаМидин - nose препаратини буруннинг шиллик қаватига суспензион эритма ҳолида пуркаш орқали аденовирус, ўткир респиратор вирусли инфекциялар, гриппнинг А ва В вирусиди вирулицид таъсири аниқланган (Shionogi and Co. Ltd. Япония; Creativ-Seutical, Франция ва Польша), ЦелАгрип интерферон индукторининг грипп вирусиди эркин радикалларга таъсир механизми генлар гуруҳида олиб борилганда, дори препарати вируснинг репродукциясини тўхтатиши ва иммун тизимнинг вирусга қарши таъсир механизмини тиклашга олиб келиши

<sup>3</sup>[www.elsevier.com](http://www.elsevier.com) / locate/jetpharm, [www.springerlink.com/content](http://www.springerlink.com/content), [www.scopus.com](http://www.scopus.com). манбалар асосида диссертация мавзусига оид хорижий илмий тадқиқотлар кўриб чиқилди

аниқланган.

Дунёда ичак яллиғланишини даволашга мўлжалланган куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда:  $\alpha$ 4 $\beta$ 7-интегринларининг селектив ингибитори бўлган ичак яллиғланиши ва Крон касаллигида “Ведолизумаб” препаратининг клиник синовларини касалларда ўтказиш; 5-аминосалицилат кислотасининг препаратлари, глюкокортикоидлар, иммуносупрессорларни ичак яллиғланиши касалликларида мажмуавий даволаш жараёнидаги самарасини касалларда ўрганиш; ичак яраси колитида ишлатиладиган 5-аминосалицилат кислотасининг препаратларини минимал дозада касалларда қўллаш орқали ножўя таъсирини камайтириш ҳамда олинган натижалар асосида тайёрланган дори воситаларини тиббиёт амалиётига тадбиқ қилиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикасида сил касаллигини даволашда полисахаридлар алоҳида ўрин эгаллайди. Макромолекуляр даволаш тизимлари яратиш бўйича илмий тадқиқотлар акад. Х. Усмонов, акад. А.С.Тўраев, проф. Ш. Нажимутдинова, проф. Р.К.Рахмонбердиева ва проф. А.А.Саримсаковалар раҳбарлигида олиб борилган. Шунингдек У.А. Арипов, Г. Дисветова, Н. Вичканова, Л. Горюнова, Ш.А. Шомуротов ва бошқалар томонидан тадқиқотлар ўтказилган.

Рометин препаратининг специфик фаоллиги РТФА академиги Ф.И. Ершов раҳбарлигида Н.Ф. Гамалея номидаги ЭВАТИТИ да б.ф.н. А.М. Сайиткулов, шунингдек, ЎЗР ССВ вирусология институтида б.ф.н. А.М. Сайиткулов раҳбарлигида б.ф.н. О.М. Намозов томонидан ўрганилган. Рометин субстанцияси бўйича илмий изланишлар ЎЗР ФА Биоорганик кимё институтида к.ф.д. Х.Л. Зияев томонидан академик А.С. Тўраев раҳбарлигида олиб бориляпти, унинг таблетка дори шакли эса Ш.М. Усуббаева томонидан олинган ва амалиётга жорий этилган. Грипп вирусига қарши янги препаратларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Европа, Япониянинг бошқа ИТИ, илмий лабораториялари, марказларида жумладан, Creativ-Ceutical (Лондон), Shionogi & Co., Ltd (Япония), Creativ-Ceutical (Польша), Хироцу клиникасида (Япония), Н.И.Пирогова номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университетида (Россия), Фтизиопульмонология ва юқумли касалликлар миллий тиббиёт тадқиқот марказида (Россия), Н.В. Склифосовский номидаги клиник тиббиёт институти (Россия), И.М. Сеченов номидаги биринчи Москва давлат тиббиёт университетида (Россия), Полимерлар кимёси ва физикаси институтида (Ўзбекистон) ва Биоорганик кимё институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Госсипол ҳосиласи ҳисобланган *Gossypium L.*- Мегосин илмий манбаларга асосан вирус, бактерия ва ярага қарши фаолликни намоён қилади (А.И. Исмаилов, 1987; Н.Л. Выпова ва бошқ., 1990; К.С. Bushunov, 1995), госсиполнинг ушбу бирикмаси яранинг турли патологик ҳолатларида регенерация жараёнини фаоллаштирувчи ҳисобланади (Р.Г.Ганиева, У.Б.Бакиев, 1982; М.Г.Рябченко ва бошқ., 1983). Мегосин иммунокомпетент хужайралар фаолиятини назорат қилади ва айни пайтда юқори антиоксидант

фаолликка эга препарат ҳисобланади (С.А. Гордиенко, 1995). Шунингдек, ушбу препарат учун интерферонларни юқори индукция қилиш фаоллиги кўрсатилган (Х.А.Асланов ва бошқ., 1988). Ярали колит ва Крон касаллиги бўйича илмий ишланмалар Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Европа ИТИ, илмий лабораторияларида, AbbVie (Иллинойс, США), Bristol Myers Squibb компанияларида (Чикаго, АҚШ) ва Биоорганик кимё институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Биоорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А11-Т094 “Силга қарши комбинацияланган дори воситаси – Биомайрин” (2012–2014 йй.) ва ФА-А11-Т059 “Силга қарши Биомайрин препаратининг капсула дори шаклини ишлаб чиқиш, клиник синовлар учун рухсат олиш” (2015–2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалари ҳамда И-ФА-2017-6-3 “Грипп вирусига қарши янги Рометин препаратини ишлаб чиқаришни ташкил этиш” (2017–2018 йй.), И-ФА-2019-10 “Клиник синовларни ўтказиш ва гриппнинг олдини олиш ва даволаш учун Рометиннинг оригинал препаратини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш” (2019–2021 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** таъсири узайтирилган юқори самарали силга қарши Биомайрин препарати, шунингдек, госсипол асосидаги Рометин ва Мегосин дори воситаларини капсула дори шакллариининг мўътадил таркибини танлаш ва технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Биомайрин, Рометин ва Мегосин субстанцияларининг физик-технологик хоссаларини тадқиқ қилиш;

“Биомайрин” капсулаларининг мўътадил таркибини танлаш, уларнинг технологиясини ишлаб чиқиш, ёрдамчи моддалар ва капсулалаш шароитларининг дори шакли сифатига таъсирини ўрганиш, ҳамда таъсири узайтирилганлик хоссасини аниқлаш;

“Рометин” капсулаларининг мўътадил таркибини танлаш, уларнинг технологиясини ишлаб чиқиш, ёрдамчи моддалар ва капсулалаш шароитларининг дори шакли сифатига таъсирини таҳлил қилиш;

“Мегосин” капсулаларининг мўътадил таркибини танлаш, уларнинг технологиясини ишлаб чиқиш, ёрдамчи моддалар ва капсулалаш шароитларининг дори шакли сифатига таъсирини баҳолаш;

“Биомайрин”, “Рометин”, “Мегосин” капсулалари сифатини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш ва унинг фармацевтик таҳлилга яроқлилигини тасдиқлаш;

“Биомайрин”, “Рометин”, “Мегосин” капсулалари учун сифат меъёрлари ва уларни баҳолаш усулларини таклиф қилиш;

“Биомайрин”, “Рометин”, “Мегосин” капсулаларининг турғунлигини аниқлаш ва яроқлилик муддатини белгилаш;

Капсула дори шаклининг биологик фаоллигини ва безарарлигини

ўрганиш;

Ишлаб чиқилган дори воситаларига меъёрий хужжатлар (ВФМ, ТСР) тўпламини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида комбинирланган силга қарши Биомайрин субстанцияси, Рометин ва Мегосин субстанциялари, ёрдамчи моддалар ва таъсири узайтирилган ошқозонда эрувчан “Биомайрин” капсулалари, ошқозонда ва ичакда эрувчан вирусга қарши “Рометин” капсулалари, шунингдек, ярага қарши “Мегосин” капсулалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** маҳаллий хом ашёлар асосида олинган Биомайрин, Рометин ва Мегосин субстанцияларининг физик-технологик сонли кўрсаткичларини ўрганиш, ошқозонда, ичакда эрувчан капсула дори шаклининг таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш, сифатини баҳолаш, уларнинг физик-технологик хоссаларини ўрганиш, биофармацевтик изланишлар олиб бориш, тегишли меъёрий хужжатлар тўпламини тайёрлаш ва ЎзР ССВ “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасасига тақдим этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида юқори самарали суюқлик хромотографияси, спектрофотометрик, фармако-токсикологик, биофармацевтик, микробиологик ҳамда статистик тадқиқот усулларидан, ҳамда замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Биомайрин дори воситаси субстанциясининг технологик хоссалари тадқиқ этилди, мўътадил таркиб танланди ва капсула кўринишидаги дори шакли ишлаб чиқилган,

мураккаб таркибли силга қарши “Биомайрин” капсула дори шаклининг таркиби ва технологияси ишлаб чиқилган ҳамда таъсири узайтирилганлик хоссаси тадқиқотлар натижасида аниқланган;

“Рометин” ва “Мегосин” ошқозон ва ичакда эрувчан капсулаларининг таркиби ва технологиялари ишлаб чиқилган;

Биомайрин, Рометин ва Мегосин субстанцияларининг физик-технологик хоссалари ўрганилди ҳамда намлик ва ёруғлик каби физик хоссалар дори препаратларининг сифат кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши аниқланган;

таркибида Рометин ва Мегосин дори воситалари сақловчи ошқозон ва ичакда эрувчан капсула дори шакллариининг специфик фаоллиги ва безарарлиги аниқланган;

“Биомайрин”, “Рометин” ва “Мегосин” капсула дори шакллари учун сифат ва миқдорий кўрсаткичларининг турғунлигини таъминловчи сақланиш шароитлари ва яроқлилик муддатлари аниқланган;

ичак яллиғланишини даволашга мўлжалланган “Мегосин” капсуласининг даволаш самараси клиник олди синовларда “Альтан” ва “Месалазин” дори воситаларидан, ҳамда грипп вирусига қарши “Рометин” капсуласининг даволаш самараси клиник синовларда “Арбидол” ва “Эргоферон” дори воситаларидан қолишмаслиги аниқланган;

“Биомайрин”, “Рометин” ва “Мегосин” капсула дори шакли учун меъёрий

хужжатлар (ВФМ, ТСР) тўплами ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

комбинирланган, таъсири узайтирилган силга қарши “Биомайрин”, грип вирусига қарши “Рометин” ва ичак яраси колитида “Мегосин” капсулаларининг меъёрий хужжатлари ишлаб чиқилган;

“Биомайрин”, “Рометин” ва “Мегосин” капсулаларининг технологиялари апробациядан ўтказилиб, тажриба-саноат ишлаб чиқариш регламентлари тасдиқланган;

“Рометин” ва “Мегосин” ошқозон ва ичакда эрувчан капсулалари таркибидаги биологик фаол моддаларнинг миқдори юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ) усули асосида аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда олинган натижалар замонавий математик статистик таҳлил усуллари ва физик-кимёвий, технологик, биофармацевтик, структура-механик текширувлар асосида тасдиқланган ҳамда ўтказилган тадқиқотлар тажриба саноат ишлаб чиқариш жараёнида апробация қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти Рометин, Мегосин ва Биомайрин дори воситаси субстанцияларининг физик-технологик хоссалари ўрганилганлиги, капсула дори шакли учун мўътадил таркиб танланганлиги, олинган натижалар асосида “Биомайрин”, “Рометин”, “Мегосин” дори воситаларининг ошқозон ва ичакда эрувчан капсула дори шаклининг олиниш технологиялари ишлаб чиқилганлиги, препаратлар учун меъёрий хужжатлар тўплами тайёрланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомашёлар асосида организмга нојўя таъсири кам ва силга қарши таъсири узайтирилган хоссага эга «Биомайрин» препарати ҳамда грип вирусига қарши “Рометин” ва ичак ярасининг колитида ярани битирувчи таъсирга эга “Мегосин” препаратларининг ошқозонда ва ичакда эрувчан капсула дори шаклининг таркиби ва технологияси ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маҳаллий хом ашёлар асосида ошқозонда ва ичакда эрувчи “Биомайрин”, “Рометин” ва “Мегосин” капсула дори шакллариининг таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

силга қарши “Биомайрин” препаратининг меъёрий хужжати ЎзР ССВ “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлик маркази” давлат муассасаси томонидан рўйхатдан ўтказилган ва тасдиқланган (ВФМ 42Уз-5231-2022 30.11.2022 й.) Натижада, силга қарши дори воситасининг сифатини тўлиқ кафолатлаш имконини яратган;

ЎзР ССВ “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасаси томонидан “Биомайрин” капсуласи рўйхатдан ўтганлиги сабабли саноатда ишлаб чиқариш учун рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси олинган (DV/M 04312.11.22 й. 30 ноябрь 2022 й.). Натижада янги, таъсири узайтирилган, кам заҳарли таъсирга эга силга қарши дори воситасини саноат миқёсида ишлаб чиқариш имконини берган;

“Биомайрин” капсуласининг физик-технологик, кимёвий ва биофармацевтик натижалари FA-A11-T059 “Силга қарши Биомайрин препаратининг капсула дори шаклини ишлаб чиқиш ва клиник синовлар учун рухсат олиш” (2015–2017) илмий-амалий лойиҳасида “Биомайрин” капсуласининг меъёрий ҳужжатларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 03.10.2023 йилдаги №4/1255-2095-сон маълумотномаси). Натижада, Биомайрин капсуласи учун “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасасига меъёрий ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг натижалари 10 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан, Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 13 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та вақтинча фармакопея мақоласи ва 1 та тажриба-саноат регламенти ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, 2 та вақтинча фармакопея мақолалари ва 2 та тажриба-саноат регламентлари лойиҳалари ишлаб чиқилган ва тасдиқлаш учун берилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 190 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** олиб борилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **“Ўзбекистон Республикасида касалланиш ҳақида умумий маълумот ва силга, вирусга қарши ва яраларни даволовчи воситалар ҳақида умумий маълумотлар”** мамлакатимиз худудлари бўйича сил ва ўткир респиратор вирусли инфекциялар, ошқозон-ичак тизими касалликларини тарқалиш бўйича статистик баҳолаш натижалари, сўнгги беш йил ичида ушбу касалликларни Ўзбекистон Республикасида ўсиш ва камайиш динамикаси тўғрисида умумий маълумотлар келтирилган. Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчи фармацевтик корхоналарнинг силга, вирусга қарши ва ошқозон ярасини даволовчи дори воситаларининг рўйхати, капсула дори шакли технологиясида капсулалаш жараёнига таъсир этувчи омиллар, шунингдек, ёрдамчи

моддаларнинг капсула дори шаклининг таркиб ва технологиясини ишлаб чиқишдаги муҳим ўрни ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Тадқиқот материаллари ва усуллари”да тадқиқот объектлари Биомайрин, Рометин ва Мегосин субстанцияларининг физик, кимёвий хоссалари, субстанция ва тайёр дори шаклининг физик-технологик кўрсаткичлари, қаттиқ дори шаклини олишда фойдаланилган ёрдамчи моддаларнинг тавсифи, капсула дори шаклининг сифатини назорат қилишда тадқиқот усуллари келтирилган.


Диссертациянинг учинчи боби “Биомайрин”, “Рометин” ва “Мегосин” капсула дори шакллариининг технологиясини ишлаб чиқиш” бўйича тадқиқотлар, олинган дори шакллариининг физик-технологик кўрсаткичларини аниқлаш, шунингдек, “Рометин” ва “Мегосин” капсула дори шакллариининг таркиби ва технологиясини мўътадиллаштириш натижалари берилган.

ЎзР ФА акад. О.С. Содиқов номидаги Биоорганика кимё институти ходимлари Ш.А. Шомуратов, О.Р. Ахмедов ва А.С. Тўраевларнинг тадқиқот ишида Биомайрин препарати таркибидаги таъсир этувчи моддаларининг мўътадил нисбати қуйидагича бўлганлиги маълум қилинган:

|                          |                 |
|--------------------------|-----------------|
| Изониазид субстанцияси   | - 15,0 мг ± 3%; |
| Рифампицин субстанцияси  | - 17,0 мг ± 3%; |
| Этамбутол субстанцияси   | - 15,0 мг ± 3%; |
| Полигалактурон кислотаси | - 53,0 мг.      |

Даволаш дозасини таъминлаш учун препаратнинг суткалик дозаси юқоридаги моддалар аралашмаси таркибида камида 600 мг бўлиши кераклиги тажрибавий аниқланган. Шунинг учун изониазид субстанцияси 90,0 мг, ± 3%; рифампицин – 102,0 мг, ± 3%; этамбутол – 90,0 мг, ± 3%; полигалактурон кислотаси – 318,0 мг ни ташкил этди.

Илк олиб борилган тажрибалар серияси натижасида Биомайрин субстанциясининг технологик хоссалари талаб даражасида эмаслиги сабабли, субстанциянинг ўзи ёрдамчи моддалар иштирокисиз тайёр дори шаклини олиш учун яроқли эмаслиги аниқланди. Субстанция заррачаларининг шакли ва ўлчами олинадиган дори препаратининг технологик хусусиятларига таъсир этиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда субстанция заррачаларининг шакли объектив катталиги 10x100/0.22 бўлган JEOL JSM-IT200 русумли электрон микроскопда ўрганилди (1-расм).



**1-расм. Биомайрин субстанциясининг микроскопияси**

Тадқиқот ўрганилаётган субстанциянинг заррачалари кўп қиррали ва сферик шаклга эга эканлигини аниқлашга имкон берди.

Субстанциянинг технологик хоссасини яхшилаш ва ножўя таъсирларни камайтириш мақсадида турли хил антифрикцион моддаларнинг капсула массаси технологик хоссаларига таъсири ўрганилди (кальций стеарат, стеарин кислотаси, картошка крахмали, тальк, аэросил 200 ва ПЭО-4000 полиэтилен оксид).

1-жадвалда Биомайрин субстанциясига турли нисбатда антифрикцион моддалар қўшилиши натижасида олинган энг истиқболли капсула массаси намуналарининг миқдорий таркиби кўрсатилган.

**1 жадвал**

**“Биомайрин” капсула массаси намуналари**

| Капсула массасининг таркибий қисми, мг | Капсула массасининг таркиби, мг |       |       |       |       |       |       |
|--|---------------------------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
|  | 1                               | 2     | 3     | 4     | 5     | 6     | 7     |
| Биомайрин субстанцияси                 | 600                             | 600   | 600   | 600   | 600   | 600   | 600   |
| Крахмал                                | -                               | -     | -     | -     | -     | 12,0  | -     |
| Тальк                                  | 6,0                             | -     | -     | -     | -     | 9,0   | -     |
| Кальций стеарат                        | -                               | -     | -     | 6,0   | 12,0  | -     | -     |
| Аэросил 200                            | -                               | 6,0   | -     | -     | -     | -     | -     |
| ПЭО-4000                               | -                               | -     | 18,0  | -     | -     | -     | -     |
| Стеарин кислота                        | -                               | -     | -     | -     | -     | -     | 6,0   |
| Умум. масса, мг                        | 606,0                           | 606,0 | 618,0 | 606,0 | 612,0 | 621,0 | 606,0 |

*\*Ёрдамчи моддаларнинг миқдорий таркиби дастлабки тажрибалар серияси асосида танланган.*

2-жадвалда “Биомайрин” капсула массасининг антифрикцион моддалар билан турли нисбатлардаги тажрибавий намуналарининг технологик кўрсаткичлари келтирилган.

**2-жадвал**

**“Биомайрин” капсула массаси намуналарининг технологик хоссаларини тадқиқот натижалари**

| №  | Аниқланган кўрсаткичлар                                | Намуна |       |       |       |       |       |       |
|----|--|--------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
|    |  | 1      | 2     | 3     | 4     | 5     | 6     | 7     |
| 1. | Сочилувчан зичлик (эркин жойланган), кг/м <sup>3</sup> | 687    | 685   | 675   | 690   | 695   | 670   | 689   |
| 2. | Сочилувчан зичлик (зичлаштирилган), кг/м <sup>3</sup>  | 865    | 850   | 830   | 886   | 893   | 871   | 884   |
| 3. | Табиий оғиш бурчаги, градус                            | 37-39  | 37-39 | 38-40 | 31-32 | 31-32 | 36-37 | 31-32 |
| 4. | Сочилувчанлик (вибрация билан), г/с                    | 3,5    | 3,9   | 3,4   | 5,3   | 5,4   | 4,3   | 5,3   |
| 5. | Сочилувчанлик (вибрациясиз), г/с                       | 2,6    | 3,2   | 2,9   | 3,4   | 3,6   | 3,2   | 3,4   |
| 8. | Қолдиқ намлик, %                                       | 4,8    | 4,7   | 4,7   | 4,7   | 4,8   | 4,8   | 4,9   |

Олинган тадқиқот натижаларидан (2-жадвал), антифрикцион моддаларнинг таркибга киритилиши олинган намуналарнинг сочилувчан зичлик ва сочилувчанлик кўрсаткичларининг ортишига, табиий оғиш бурчагини камайишига олиб келди, бу эса капсула массасининг технологик хоссаларининг сезиларли даражада яхшиланганлигини кўрсатди.

Субстанция таркибига киритилиши бўйича ўзининг самарадорлик даражасига кўра антифрикцион моддалар қуйидаги кетма-кетликда жойлаштирилди: кальций стеарат/стеарин кислотаси - крахмал – аэросил 200 - полиэтиленоксид-4000 – крахмал ва тальк аралашмаси.

Тажрибалар асосида ўрганилган таркиблар ичида энг мўътадил таркиблар сифатида 4, 5 ва 7 намуналар танлаб олинди. Намуналарни олиш мобайнида кальций стеарат (4 ва 5- намуналар) ва стеарин кислотасидан фойдаланилди (7 - намуна).

Адабиётлардан маълумки, стеарин кислотанинг тузлари стеарин кислотасининг ўзига нисбатан анча турғун бўлиши келтирилган. Шу сабабли танлов кальций стеарат деб белгиланди.

4 ва 5- намуналарнинг кўрсаткичлари катта фарқланмади, лекин 5-намунани олиш учун икки баравар кўп миқдорда кальций стеарат ишлатилади. Шунинг учун антифрикцион моддасини асосиз кўп миқдорда таркибга киритилишини олдини олиш мақсадида, шунингдек тажрибалар асосида олинган натижаларга кўра, таркибда антифрикцион модданинг ортиши тайёр дори воситасининг парчаланishi кўрсаткичига салбий таъсир кўрсатади, мўътадил антифрикцион модда сифатида кальций стеарат умумий массага нисбатан 1% миқдорида танлаб олинди.

Шу билан “Биомайрин” капсула массаси учун мўътадил таркиби қуйидагича деб белгиланди:

Биомайрин – 600,0 мг

Кальций стеарат – 6,0 мг

Кейинги босқич тажрибаларимизда қаттиқ желатин капсулаларининг ўлчами танланди. Капсулани танланган таркибли капсула массаси билан тўлдириш учун 606 мг капсула массаси ва сочилувчан зичлик кўрсаткичидан (886,0 кг/м<sup>3</sup>) фойдаланган ҳолда, капсуланинг ўртача сифими аниқланди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### “Биомайрин” капсула массаси аралашмаси учун капсула ўлчами ва ҳажмини аниқлаш натижалари

| Капсула рақами                            |   | 5     | 4     | 3     | 2     | 1     | 0    | 00   | 000  |
|---|---|-------|-------|-------|-------|-------|------|------|------|
| Капсуланинг ўртача ҳажми, см <sup>3</sup> |   | 0,13  | 0,21  | 0,30  | 0,37  | 0,5   | 0,68 | 0,95 | 1,37 |
| Биомайрин айри                            | 600 мг ни эгалловчи ҳажм, %               | > 100 | > 100 | > 100 | > 100 | > 100 | 88,2 | 63,1 | 43,8 |
|   | Эркин ҳажм, %                             | -     | -     | -     | -     | -     | 11,8 | 36,9 | 56,2 |
| Биомайрин препарати                       | 606 мг даволовчи дозани эгалловчи ҳажм, % | > 100 | > 100 | > 100 | > 100 | > 100 | 89,1 | 63,7 | 44,2 |
|   | эркин ҳажм, %                             | -     | -     | -     | -     | -     | 10,9 | 36,3 | 55,8 |

Изоҳ: «-» - аниқланмаган кўрсаткич.

Сўнг “Биомайрин” капсула массаси HD-100 (Хитой) капсулани тўлдирувчи машинада №0 рақамли ошқозонда эрувчан капсулаларга тўлдирилди.

“Рометин” ва “Мегосин” дори шакллариининг таркиби учун ёрдамчи моддаларни танлашда тажрибаларни математик режалаштиришнинг 4x4 ва 3x3 лотин квадратлари усулларидадан фойдаланилди. Бу режалаштириш усули хомашё сарфини камайтиради ва тадқиқот вақтини ҳам тежайди.

Рометин субстанциясига антифрикцион моддалар сифатида қуйидаги сирпантирувчи ёрдамчи моддалар қўшилди – аэросил 200, крахмал, тальк ва бентонит, мойловчи моддалар сифатида қуйидагилардан фойдаланилди – стеарин кислотаси, кальций стеарат, магний стеарат ва полиэтиленоксид (ПЭО-4000) (4-жадвал).

#### 4-жадвал

### “Рометин” капсуласини тўлдириш жараёнига таъсир этувчи омилларнинг тавсифи

| Дара-жалар | Омиллар                                   |                            |                        |
|------------|---|----------------------------|------------------------|
|            | Намликни боғловчи тўлдирувчи моддалар (А) | Сирпантирувчи моддалар (В) | Мойловчи моддалар (С)  |
| 1          | Лактоза моногидрат (a1)                   | Крахмал (в1)               | Стеарин кислотаси (c1) |
| 2          | МКЦ -102 (a2)                             | Аэросил200(в2)             | Кальций стеарат(c2)    |
| 3          | Крахмал (a3)                              | Тальк (в3)                 | Магний стеарат(c3)     |
| 4          | Полидекстроза(a4)                         | Бентонит (в4)              | ПЭО-4000 (c4)          |

#### 5-жадвал


### Тажрибани режалаштириш матрицаси ва “Рометин” капсуласининг технологиясини мўтадиллаштириш тадқиқот натижалари

| Тажриба рақами | Омиллар              |                      |                      | Мўтадиллаштириш мезонлари                |   |                                 |  |
|----------------|----------------------|----------------------|----------------------|--|---|---------------------------------|--|
|                | А                    | В                    | С                    | Сочилувчанлик $Y_1, 10^{-3} \text{кг/с}$ | Сочилувчан зичлик. $Y_2, \text{кг/м}^3$ | Эрувчанлик $Y_3, \text{мкг/мл}$ | Капсула массасининг қолдиқ намлиги $Y_4, \%$ |
| 1              | a <sub>1</sub>       | b <sub>1</sub>       | c <sub>1</sub>       | 4,3                                      | 371                                     | 26                              | 4,8±1,50                                     |
| <b>2</b>       | <b>a<sub>1</sub></b> | <b>b<sub>2</sub></b> | <b>c<sub>2</sub></b> | <b>7,0</b>                               | <b>902</b>                              | <b>29</b>                       | <b>3,7±1,34</b>                              |
| 3              | a <sub>1</sub>       | b <sub>3</sub>       | c <sub>3</sub>       | 4,8                                      | 419                                     | 22                              | 5,0±1,03                                     |
| 4              | a <sub>1</sub>       | b <sub>4</sub>       | c <sub>4</sub>       | 3,9                                      | 329                                     | 31                              | 5,3±1,09                                     |
| 5              | a <sub>2</sub>       | b <sub>2</sub>       | c <sub>2</sub>       | 3,9                                      | 330                                     | 31                              | 4,5±1,05                                     |
| 6              | a <sub>2</sub>       | b <sub>2</sub>       | c <sub>1</sub>       | 4,1                                      | 351                                     | 29                              | 4,3±1,12                                     |
| 7              | a <sub>2</sub>       | b <sub>3</sub>       | c <sub>4</sub>       | 4,6                                      | 402                                     | 24                              | 4,0±1,22                                     |
| 8              | a <sub>2</sub>       | b <sub>4</sub>       | c <sub>3</sub>       | 3,7                                      | 310                                     | 33                              | 4,9±1,29                                     |
| 9              | a <sub>3</sub>       | b <sub>1</sub>       | c <sub>3</sub>       | 5,3                                      | 470                                     | 15                              | 4,7±1,02                                     |
| 10             | a <sub>3</sub>       | b <sub>2</sub>       | c <sub>4</sub>       | 4,6                                      | 401                                     | 24                              | 4,0±1,50                                     |
| 11             | a <sub>3</sub>       | b <sub>3</sub>       | c <sub>1</sub>       | 4,9                                      | 432                                     | 21                              | 5,0±1,34                                     |
| 12             | a <sub>3</sub>       | b <sub>4</sub>       | c <sub>2</sub>       | 4,5                                      | 390                                     | 25                              | 5,0±1,03                                     |
| 13             | a <sub>4</sub>       | b <sub>1</sub>       | c <sub>4</sub>       | 4,2                                      | 359                                     | 28                              | 5,3±1,09                                     |
| 14             | a <sub>4</sub>       | b <sub>2</sub>       | c <sub>3</sub>       | 5,0                                      | 441                                     | 19                              | 4,5±1,05                                     |
| 15             | a <sub>4</sub>       | b <sub>3</sub>       | c <sub>2</sub>       | 4,3                                      | 370                                     | 26                              | 4,3±1,18                                     |
| 16             | a <sub>4</sub>       | b <sub>4</sub>       | c <sub>1</sub>       | 4,6                                      | 399                                     | 24                              | 4,0±1,29                                     |

Математик режалаштиришнинг 4x4 лотин квадратлари бўйича ўрганилган ҳар бир омил 4 та ўзгариш даражасида қайта такрорланмас кузатувлар асосида текширилди (5-жадвал). Ушбу омилларнинг аҳамиятини текшириш учун тадқиқот режасига мувофиқ 16 та тажриба ўтказилди ва

мўтадиллаштириш мезонларига мувофиқ танланган ёрдамчи моддаларнинг аҳамияти аниқланди, улар қуйидаги тартибда жойлаштирилди:

тўлдирувчилар–  $a_1 > a_3 > a_4 > a_2$ ; сирпантирувчи моддалар –  $b_2 > b_3 > b_1 > b_4$ ; мойловчи моддалар–  $c_2 > c_4 > c_1 > c_3$ . Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Рометин субстанциясининг капсулалаш жараёнини ижобийлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги ёрдамчи моддалар танланди: лактоза (тўлдирувчи –  $a_1$ ); аэросил (сирпантирувчи модда–  $b_2$ ); кальций стеарат (мойловчи модда– $c_2$ ).



**2-расм. Мувофиқлик функцияси шкаласи**

Сўнгра капсула массасининг физик-технологик хоссалари ўрганилди. “Рометин” капсула массасини технологик хоссаларининг натижалари 6-жадвалда келтирилган.

**6-жадвал**

**Рометин субстанцияси ва капсула массасининг технологик кўрсаткичларини аниқлаш натижалари**

| №   | Аниқланган кўрсаткичлар                                 | Олинган натижалар                           |   |
|-----|---|---|---|
|     |   | Рометин субстанцияси                        | “Рометин” капсула массаси                   |
| 1.  | Капсула массасининг ташқи кўриниши                      | Тўқ сарғишдан оч жигар ранггача аморф кукун | Тўқ сарғишдан оч жигар ранггача аморф кукун |
| 2.  | Фракцион таркиб мкм, %:                                 |   |   |
|     | + 500   | -   | -   |
|     | - 500 + 300   | 11,9  | 10,9  |
|     | - 300 + 200   | 24,9  | 25,9  |
|     | - 200 + 150   | 12,4  | 19,8  |
|     | - 150 + 100   | 22,7  | 17,0  |
|     | - 100   | 19,5  | 16,5  |
| 3.  | Сочилувчан зичлик (эркин жойланган), кг/м <sup>3</sup>  | 450,0±1,75                                  | 732±2,63                                    |
| 4.  | Сочилувчан зичлик (зичланиш билан), кг/м <sup>3</sup>   | 587,0±2,07                                  | 902,0±2,07                                  |
| 5.  | Сочилувчанлик, 10 <sup>-3</sup> кг/с                    | 0,82±0,83                                   | 7,0±0,5                                     |
| 6.  | Табийий оғиш бурчаги, градус                            | 42,8±1,2                                    | 32,4±0,1                                    |
| 7.  | Қолдиқ намлик, %,                                       | 7,0±0,5                                     | 6,0±0,5                                     |
| 8.  | Капсуланинг ташқи кўриниши                              |   | Пушти- оқ рангли желатин капсулалари        |
| 9.  | Капсуланинг ўртача массаси ва ундан четланиш, гр (±10%) | -   | 0,169 до 0,227                              |
| 10. | Парчаланиш, дақ. (20 дақиқагача)                        | -   | 18±0,15                                     |
| 11. | Эрувчанлик, дақ. (75% кам бўлмаган ҳолда)               | -   | 89±5,0                                      |

“Рометин” капсула массасининг мўътадил таркиби:

Рометин – 100,0 мг

Лактоза моногидрат -100,0 мг

Кальций стеарат – 2,0 мг

Аэросил 200– 2,0 мг

Сўнг тажрибалар асосида “Рометин” қаттиқ желатин капсулаларининг ўлчами танланди. Капсулани танланган таркибли капсула массаси билан тўлдириш учун 204 мг капсула массаси ва сочилувчан зичлик кўрсаткичидан ( $902,0 \text{ кг/м}^3$ ) фойдаланган ҳолда, капсуланинг ўртача сиғими аниқланди.

Рометин капсула массаси HD-100 (Хитой) капсулани тўлдирувчи машинага жойлаштирилди ва №1 рақамли ошқозонда ва ичакда эрувчан капсулаларга тўлдирилди.

Тадқиқотимизнинг кейинги қисми Мегосин субстанциясининг дори шаклини таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш. Математик режалаштиришнинг уч омили 3x3 лотин квадратларидан фойдаланилган ҳолда, ўрганилган ҳар бир оми 3 та ўзгариш даражасида қайта такрорланмас кузатувлар асосида текширилди.

Мўътадиллаштириш мезонларининг омиллари сифатида қуйидагилардан фойдаланилди: – намлик, % ( $Y_1$ ); парчаланиш, с ( $Y_2$ ); “Мегосин” капсуласининг эрувчанлиги, % ( $Y_3$ ) (7-жадвал).

7-жадвал

**“Мегосин” капсуласининг сифат кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларнинг тавсифи**

| Даражалар | Омиллар             |   |                               |
|-----------|---------------------|---|-------------------------------|
|           | Тўлдирувчи тури (А) | Антифрикцион модданинг тури (намликни назоратловчи) (В) | Капсулани тўлдириш усули (С)  |
| 1         | Картошка крахмали   | Магний стеарат  | Кукунни зичлаш (ярим автомат) |
| 2         | Лактоза моногидрат  | ПЭО-4.000   | Поршенли                      |
| 3         | МКЦ 102             | Аэросил 200 + Магния стеарат (1:1)                      | Дискли                        |

8- жадвал

**Тажрибани режалаштириш матрицаси ва “Мегосин” капсуласи намунавий таркибларининг технологик тавсифи**

| Тажриба рақами | Омиллар        |                |                | Омиллар даражалари                           |                                       |   |
|----------------|----------------|----------------|----------------|--|---------------------------------------|---|
|                | А              | В              | С              | Капсула массасининг қолдиқ намлиги, %, $Y_1$ | Капсуланинг парчаланиши (сек.), $Y_2$ | Биологик самарадорликнинг даражаси (эрувчанлик), %, $Y_3$ |
| 1              | a <sub>1</sub> | b <sub>1</sub> | c <sub>1</sub> | 4,8±1,50                                     | 1078,2±0,92                           | 83,5±1,2  |
| 2              | a <sub>1</sub> | b <sub>2</sub> | c <sub>2</sub> | 5,0±1,34                                     | 1101,1±0,47                           | 85,5±1,1  |
| 3              | a <sub>1</sub> | b <sub>3</sub> | c <sub>3</sub> | 5,0±1,03                                     | 1100,3±0,89                           | 84,2±1,9  |
| 4              | a <sub>2</sub> | b <sub>1</sub> | c <sub>2</sub> | 5,3±1,09                                     | 1200,1±0,32                           | 80,5±1,6  |
| 5              | a <sub>2</sub> | b <sub>2</sub> | c <sub>1</sub> | 4,5±1,05                                     | 1069,1±0,67                           | 84,5±1,8  |
| 6              | a <sub>2</sub> | b <sub>3</sub> | c <sub>3</sub> | 4,3±1,12                                     | 1059,5±0,62                           | 86,5±0,8  |
| 7              | a <sub>3</sub> | b <sub>1</sub> | c <sub>1</sub> | 4,0±1,22                                     | 1030,1±0,77                           | 90,5±1,7  |
| 8              | a <sub>3</sub> | b <sub>2</sub> | c <sub>2</sub> | 3,9±1,29                                     | 1025,1±0,83                           | 95,5±1,3  |
| 9              | a <sub>3</sub> | b <sub>3</sub> | c <sub>3</sub> | 3,7±1,02                                     | 966,1±0,72                            | 98,5±1,2  |

Тўлдирувчилар тури  $-a_3 \geq a_1 \geq a_2$  (МКЦ 102  $\geq$  лактоза моногидрат  $\geq$  қолдик намлиги 3% картошка крахмали);

антифрикцион моддаларнинг тури  $-b_3 \geq b_2 \geq b_1$  (аэросил 200 + магний стеарат (1:1)  $\geq$  ПЭО 4000  $\geq$  магний стеарат);

капсулани тўлдириш усуллари  $-c_3 \geq c_2 \geq c_1$  (дискли  $\geq$  поршенли  $\geq$  кукунни зичлаш).

“Мегосин” капсуласи массасининг технологик хоссалари натижалари 9-жадвалда келтирилган.

Мувофиқлик функциясининг график кўриниши 3-расмда келтирилган.



**3-расм. Мувофиқлик функцияси шкаласи**

**9-жадвал**

**“Мегосин” капсуласи массасининг технологик хоссалари натижалари**


| №  | Аниқланган кўрсаткичлар                                | Сон кўрсаткичлар  |   | Меъёрий натижаларга мослиги |
|----|--|---|---|-----------------------------|
|    |  | Тажрибавий аниқланган   | Меъёрий хужжатга мослиги                                      |                             |
| 1  | Ташқи кўриниши   | Сарғиш-яшил рангли кукун, ҳидсиз, гигроскопик. Ёруғликка сезувчан | Сарғиш-яшилрангликукун, ҳидсиз,гигроскопик Ёруғликка сезувчан | Мос                         |
| 2  | Зарррачалар шакли                                      | Анизодиаметрик призма, таёқча                                     | Анизодиаметрик призма, таёқча                                 | Мос                         |
| 4  | Сочилувчан зичлик (эркин жойланган), кг/м <sup>3</sup> | 598±1,4   | >600  | Мос                         |
| 5  | Сочилувчан зичлик (зичланиш билан), кг/м <sup>3</sup>  | 678±1,3   | >600  | Мос                         |
| 6  | Табиий оғиш бурчаги, градус                            | 32,0±3,4  | 20,0-40,0   | Мос                         |
| 7  | Сочилувчанлик (вибрация билан), г/с                    | 3,0-6,5   | 3,0-6,5 (қониқарли)   | Мос                         |
| 8  | Қолдик намлик, %                                       | 4,5±0,5   | 7,0 гача  | Мос                         |
| 9  | Капсулани парчаланиши, дақ.                            | 15,0±1,8  | 20 дақ. гача  | Мос                         |
| 10 | Капсулани эрувчанлиги, дақ.                            | 90,6±2,2  | 75% дан кам эмас 45 дақиқада                                  | Мос                         |

9-жадвал натижаларига кўра, “Мегосин” капсула массаси учун қуйидаги мўътадил таркиб танлаб олинди:

- Мегосин – 20,0 мг
- МКЦ 102 – 180,0 мг
- Магний стеарат – 2,0 мг
- Аэросил 200 – 2,0 мг

